

Файзулла Хўжаев – буюк мутафаккир, маърифатпарвар ва  
ислоҳотчи



РЕСПУБЛИКА  
МАʼНАВИЯТ ВА МАʼРИФАТ  
МАРКАЗИ



МАʼРИФАТ  
ТАРҒИБОТЧИЛАР ЖАМИЯТИ

РЕСПУБЛИКА МАʼНАВИЯТ ВА МАʼРИФАТ  
МАРКАЗИ  
БУХОРО ВИЛОЯТ БЎЛИМИ

*2021 йил – “Ёшларни ҳар томонлама қўллаб-куватлаш  
ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш иили”*

**“ФАЙЗУЛЛА ХЎЖАЕВ - БЮОК  
МУТАФАККИР, МАʼРИФАТПАРВАР ВА  
ИСЛОҲОТЧИ”**

мавзуидаги республика илмий-назарий анжуман  
материаллари

*Давлат ва жамоат арбоби, ёшлар тарбияси ва  
келажаги учун курашган ҳақиқий зиёли, оташин  
ватанпарвар, моҳир дипломат, Бухоронинг суюкли  
фарзанди Файзулла Хўжаев таваллудининг 125  
йиллигига бағишиланади*

**2021 йил 13 декабрь**

Бухоро

## **Файзулла Хўжаев – буюк мутафаккир, маърифатпарвар ва ислоҳотчи**

Мазкур илмий-амалий анжуман мақолалар тўпламида республикамиз маънавият ва маърифат тарғиботчилари, олий ўқув юртлари, халқ таълими тизимида фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчилар, маданият ходимларининг давлат ва жамоат арбоби, буюк мутафаккир, маърифатпарвар ва ислоҳотчи, жадидлар ҳаракатининг пешвоси, озодлик ва мустақиллик учун курашга умрини бахшида этган фидойи инсон Файзулла Хўжаев ҳаёти ва фаолияти, шунингдек XIX аср охири XX аср дастлабки ўн йилликлари тарихий даврларида Бухоро тарихи билан боғлиқ долзарб мавзулардаги илмий мақолалар ўрин олган.

Тақдим этилаётган ушбу илмий-амалий анжуман материаллари тўплами турли соҳа мутахассислари ҳамда кенг илмий жамоатчилик учун мўлжалланган.

### **Масъул муҳаррир:**

**Марҳабо Давлатовна Пардаева**

*Республика Маънавият ва маърифат маркази Бухоро вилоят бўлими раҳбари, фалсафа фанлари номзоди, доцент*

### **Таҳрир ҳайъати аъзолари:**

**Х.П.Кенжасева** – Бухоро тиббиёт институти катта ўқитувчиси

**А.Ҳамроев** – БухДУ тузилмасидаги “Қатагон қурбонлари хотираси” музейи директори, Ўзбекистон Тарихчилар жамияти Бухоро вилояти бўлими раиси

### **Тақризчилар:**

**С.С.Раупов** – Бухоро давлат университети доценти, т.ф.н.

**З.А.Ахмедова** – Бухоро давлат тиббиёт институти доценти, ф.ф.н.

*Мақолаларда келтирилган маълумотлар учун муаллифлар жавобгардирлар.*

Республика маънавият ва маърифат маркази Бухоро вилоят бўлими қарори билан нашрга тавсия қилинган.

## Файзулла Хўжаев – буюк мутафаккир, маърифатпарвар ва ислоҳотчи

биринчи ярмида ЎзССРда чорвачиликда чўчқачаликни ривожлантиришга ҳам қарши чиқди. Файзулла Хўжаев 1926 йилда ёзилган “Бухоро инқилобининг тарихига оид материаллар” номли асари учун компартия томонидан қаттиқ танқидга учради.

1930 йилларнинг бошида халқ таълим мининг ривожланиши учун бош-қош бўлди. Айрим жойларда оиласидан ёки аждодларидан бирор киши ўзига тўқ бўлиб чиққани учунгина мактабларга кўйилмаслик ва мактабдан ҳайдаб юбориш холатларини қаттиқ танқид остига олди. “Биз бунақа директива бермаганмиз” деб айтди. 1930 йилларнинг ўрталаридан бошланган “Қатағон”ларнинг Ўзбекистонда ҳам авж олдирилишини олдини олишга ҳаракат қилди. Лекин Москвадан туриб амалга оширилаётган бу қатағонларни тўхтата олмади. Бутун умрини юрт равнақи, озодлиги учун халқ хизматига сарфлаган Файзулла Хўжаев ҳам мазкур қатағон қурбонига айланди. Унинг номи кейинчалик оқланди. Аммо унинг оиласи кўп йиллар давомида оғир шароитда яшади ва азият чекди. Файзулла Хўжаев номи мустақиллик йилларида халқ озодлиги учун жон фидо қилган қаҳрамон даражасида эътироф этилди.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Файзулла Хўжаев. Танланган асарлар. 2-том, Т., Фан, 1978 й.
2. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. ,9-том, Т., 2005 й.
3. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. 2-том, Т., Шарқ, 2000 й.
4. Шуҳрат Эргашов, Тўлқин Бобоматов. XX аср: Тақдирларда акс этган тарих. Т., Ўзбекистон, 2015 й.

## ФАЙЗУЛЛО ХЎЖАЕВ ВА БУХОРО ШАҲРИНИ ИЧИМЛИК СУВИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ МУАММОСИ

*Raupov C.C.*

*тарих фанлари номзоди, БухДУ доценти*

Бухоро шаҳри узоқ тарихга эга бўлиб, умуминсоният цивилизацияга улкан ҳисса қўшган қадимий шаҳарлардан бири ҳисобланади. Маълумки, шаҳарда одамлар яшами учун унинг инфраструктураси булиши лозим. Шаҳар инфраструктурасининг асосини сув таъминоти ташкил этади. Чунки сув ҳаёт манбаи ҳисобланади. Шундан бўлса керак миллий қадриятларимизда ҳам

## Файзулла Хўжаев – буюк мутафаккир, маърифатпарвар ва ислоҳотчи

сув улуғланган. Уни ифлос қилиш гуноҳ ҳисобланиб, гуноҳкорлар жазоланган.

Бухоро шаҳрини сув таъминоти тизими катта ирригацион қурилмага ўхшаб, бутун эски Бухорони тоза ичимлик суви билан таъминлаб турган. Бу тизимнинг асосини шаҳар ичидан оқиб ўтган Шоҳруд (қадимда Зарируд) канали ташкил этган. Тарихий маълумотлар гувоҳлик беришича Бухоро шаҳри ирригация тизимида 10 та канал ва 104 ҳовуз-кудуқлардан иборат бўлган. Бухоро шаҳрининг марказий қисми Шаҳристон сувни кудуқлардан олган. Шаҳарнинг юкори маҳаллалари Шоҳруд каналидан сув олиш имконига эга бўлмаган. Чунки маҳаллалар каналдан баландликда жойлашган. Лекин шаҳарнинг шарқий қисмiga жойлашган Қози Калон ва Ҳожи Калон ҳовузлари Шоҳруд каналидан сув олган. Бу ҳовузларни қозиша ер ости каналларидан фойдаланилган ва бу ҳовузлар бошка ҳовузларга нисбатан ўн метр пастда қурилган. Шаҳарнинг шимолий-шарқий ва шимолий-гарбий худудларида жойлашган ҳовузлардан ташқари барча ҳовузлар ер ости каналлари оркали шаҳарнинг бош канали Шоҳруд билан боғланган бўлган. Бухоро шаҳрининг сув таъминоти мироблар томонидан бошқарилган. Унинг бошқармаси Ширбудин яқинида Шоҳруд каналининг бошланишида жойлашган. Шаҳарда сув учун ҳокимият вакили – келиф жавобгар ҳисобланган. У Мозори Шариф дарвозаси олдида ўтириб сувнинг шаҳар ҳовузлари ва боғларига teng тақсимланишини назорат қилган. Бундан ташқари, ёмғир ва қор сувларини йиғувчи сардобалардан ҳам фойдаланилган. Бундай сардобалар Халифаи Ҳудойдод мачити, Эшони авлиё мадрасаси олдида бўлган. Саллахона дарвозаси олдида эса, шифобаҳш чашма ҳам бўлган. XX аср бошларига келганда Шоҳруднинг сувлари шаҳар чеккаларигача етиб келмаган. Натижада шаҳар чеккасидаги ҳовузларнинг сувлари ифлосланиб, ришта касаллиги манбасига айланган. XX аср бошларига келганда бу касаллик бутун Марказий Осиёда кенг тарқалган бўлиб, бу касалликдан минглаб одамлар ҳалок бўлган. Бу касалликнинг ташувчиси пашшалар бўлиб, уларнинг дастидан айниқса иссиқ ёз оқшомларида кўчаларда юриб бўлмаган.

1920 йил 14 сентябрда Файзулла Хўжаев раислигидаги Бухоро Ҳалқ Нозирлар Шўроси тузилгандан сўнг бу муаммони

## Файзулла Хўжаев – буюк мутафаккир, маърифатпарвар ва ислоҳотчи

давлат даражасида ҳал қилиш имкони туғилди. Ф.Хўжаев ташаббуси билан ушбу касалликнинг келиб чиқиш манбаларини аниқлаш ва унга қарши кураш дастурини ишлаб чиқиш масаласи ўта долзарб масала сифатида кун тартибига қўйилди.

Риштага қарши кураш мақсадида Ф.Хўжаев Москвага мурожат қилиб, касаллик ахоли орасида жуда кенг тарқалганлиги, ҳатто ҳукумат, партия МК аъзоларининг, армия ва хўжалик раҳбарларининг қариб барчасини қамраб олганлиги ҳақида маълумот беради ва касалликка қарши курашиш учун тиббий ёрдам сўрайди.

Масала Москвада Тропик институти олимлари томонидан ўрганиб чиқилади ва 1922 йилда шу институтнинг асистенти Н.М.Исаев Бухорога хизмат сафарига юборилади.

Н.М.Исаев Бухорога келиши билан касалхоналарни айланиб чиқиб, касалхоналарда даволанаётган bemorlarning ярмидан кўпи Туркистонга юборилган қизиласкарлар эканлигига гувоҳ бўлди. У махаллий врачлар ёрдамида шахар ахолисини назоратдан ўтказади. Аниқлаган маълумотларга қарганда, Бухоро ахолисининг 88-100 фоизи ришта касаллиги билан касалланган бўлиб, уларнинг 3-19 фоизи вафот этар ҳамда 40 фоизга яқин ахоли қайта касалланар эди (2).

1923 йил 1 августда Н.М.Исаев Бухоро Халқ Шуролар Республикаси Нозирлар кенгашига илмий экспедиция хulosаларини тақдим этади ва Бухоро тропик институтини ташкил этиш таклифини беради.

Файзулло Хўжаев раҳбарлигидаги Бухоро Халқ Шўролар Республикаси Нозирлар кенгашининг 1923 йил 24 декабрдаги қарори билан Бухоро Тропик институти тузилади (5). Институт ришта касаллигини сабабларини аниқлаш ва унга қарши курашда ҳал қилувчи рол ўйнайди. Ришта касаллигининг асосий сабаби тоза ичимлик сувининг етишмаслиги эканлиги аниқланади.

Шундан кейин Бухоро шаҳрида ичимлик суви таъминоти тизимини яратиб, ахолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш харакати бошланиб кетади. Бу муаммони ҳал қилиш янгидан тузилган Ўзбекистон ССР ва унинг Ф. Хўжаев раҳбарлигидаги ҳукумати – Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Совети зиммасига тушди. Муаммо ҳукумат даражасида ўрганиб чиқилади ва Бухоро шаҳрини тоза ичимлик суви билан

## Файзулла Хўжаев – буюк мутафаккир, маърифатпарвар ва ислоҳотчи

таъминлаш мақсадида оқава сув (водопровод) тизимини яратишга қарор қилинади.

Бухоро шаҳрини тоза ичимлик суви билан таъминлашда рус инженери В.Г.Шухов лойиҳаси асосида қурилган сув босимини таъминловчи миноранинг аҳамияти жуда каттадир. Инженер В.Г.Шухов лойиҳаси асосида сув минорасини қуриш ишлари 1927 йилда бошлаб юборилади. Минорани қуриш учун Арк кўргонининг ғарбий томони танланади. Бу миноранинг қурилиши 1929 йилда тугатилади ва 1930 йилдан Бухоро шаҳрида сув билан таъминлаш тизими ишга тушиб, шаҳар аҳолиси тоза ичимлик суви билан таъминланади (4).

Шуни алоҳида такидлаш лозимки, Бухоро шаҳрини ичимлик суви билан таъминлаш борасида амалга оширилган ишларни ҳукуматнинг бевосита иштирокисиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Чунки бу жараён жуда катта маблағ талаб қилган. Мазкур иншоотнинг металл конструкцияси Москва заводларида тайёрланиб, Бухорога олиб келинган.

Иншоотнинг тузилиши ҳам ўзига хос бўлиб, тўрсимон кўринишга эга, марказий қисмида устун мавжуд, унинг атрофига зинапоялар уланган.

Файзулло Хўжаев раҳбарлигидаги ҳукумат раҳнамолигида рус инженери В.Г.Шухов лойиҳаси асосида қурилган бу минора узоқ йиллар Бухоро шаҳар аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш ишига хизмат қилди. Ўтган асрнинг 70-чи йилларида келиб, Бухоро шаҳрининг тоза ичимлик суви билан таъминлаш тизими янгилана бошланади. 1975 йилда сув минорасининг юқори қисми – сув бакининг тахта билан ўралган қисми ёниб кетади ва миноранинг сув сақлаш баки яроқсиз ҳолга келиб қолди. Шу муносабат билан у ўзининг дастлабки аҳамиятини йўқотди.

Ўтган асрнинг 90 – йилларида Шухов минорасидан тижорат максадларида фойдаланишга уринишлар бўлди. Лекин бу уринишлар яхши самара бермади.

2018 – 2019 йилларда Бухоролик ёш тадбиркорлар француз сармоядорларининг инвеститицияларини жалб қилган ҳолда, минорага янги ҳаёт бағишиладилар. Янги лифт ўрнатилди. Миноранинг пастки қисмида шаҳарга келадиган меҳмонларга хизмат кўрсатадиган ресторон, миноранинг юқори қисмида

## Файзулла Хўжаев – буюк мутафаккир, маърифатпарвар ва ислоҳотчи

банкет зали, учинчи қаватда шаҳарни томоша қилиш учун махсус айвон ташкил қилинди. Шаҳар тарихий ёдгорликларини кузатиш учун дурбинлар ўрнатилди.

Хуноса қилиб шуни таъкидлаш жоизки, Ф. Хўжаев раҳбарлигида фаолият кўрсатган БХШР ҳукумати ва Ўзбекистон ССР ҳукумати раҳнамолиги ҳамда бевосита қўллаб-куватлаши орқали фаолият юритган рус олими Н.М.Исаев ва рус инженери В.Г.Шухов меҳнатларининг самараси ўлароқ, Бухоро тоза ичимлик суви билан таъминланиб, ришта касаллигига тамоман барҳам берилди. Шу мақсадлар учун курилган Шухов минораси эндиликда шаҳарнинг тарихий ёдгорликларидан бири сифатида шаҳар кўркига кўрк қўшиб, унинг аҳолиси ва меҳмонларига бегараз хизмат қилмоқда.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Государственная научная медицинская библиотека Министерство здравоохранения Республики Узбекистан // <HTTP://med.uz/medlibrars/medical/detail.php/D=51213>
2. Гороховская О. Как врач Леонид Исаев избавил Узбекистан от малярии// [https://www.ng.ru/science/2015-11-11/15\\_isaev.html](https://www.ng.ru/science/2015-11-11/15_isaev.html)
3. Командировка на всю жизнь// <HTTPS://russkiy mir. ru/publications/85250/>
4. “Кружевной автограф” инженера Шухова в Бухаре // [www.mytashkent.uz/2015/10/24](http://www.mytashkent.uz/2015/10/24)
5. Он спас Узбекистан от малярии//<HTTPS://VESTI.UZ//2011-08-16-09-21-26>

## БУХОРО МАЪРИФАТПАРВАРИ МУҲАММАД ШАРИФЖОН МАХДУМ САДРИ ЗИЁ АСАРЛАРИДА 1917 ЙИЛ ВОҚЕАЛАРИНИНГ ЁРИТИЛИШИ

*Янгибоева Дилноза Ўқтамовна*

*Термиз давлат университети*

Россияда юз берган февраль инқилоби ва 1917 йилда большевикларнинг октябрь тўнталиши Бухоро амирлигига сиёсий жараёнларнинг кучайишига туртки бўлди. Айниқса, руслар ва амирлик ҳудудидаги рус манзиллари янги Бухоро (Когон), Термиз, Керки, Янги Чоржўйлар бу жараёнда олдинги сафда эдилар. Февраль инқилобининг ғалабаси ва Россия

Файзулла Хўжаев – буюк мутафаккир, маърифатпарвар ва  
ислоҳотчи

**МУНДАРИЖА**

1.	<b>Минҳоҷисиддин МИРЗО</b>	СЎЗ БОШИ ЎРНИДА	3
2.	<b>Ж.Т.Шермуҳамедова</b>	ИНСОН КАМОЛОТИ ТАЛҚИНИ	5
3.	<b>М.Д.Пардаева</b>	ЮРТИМИЗ ИСТИҚЛОЛИ ЙЎЛИДА ЖОНИНИ ФИДО ҚИЛГАН ФАЙЗУЛЛА ХЎЖАЕВНИНГ ҲАЁТ ЙЎЛИ ВА ТОЛМАС ИРОДАСИ БИЗ УЧУН ИБРАТ МАКТАБИДИР	9
4.	<b>С.У.Иноятов</b>	ФАЙЗУЛЛА ХЎЖАЕВ: ТАРИХ ВА ТАҚДИР	14
5.	<b>Ш.А.Ҳайитов</b>	ФАЙЗУЛЛА ХЎЖАЕВ ЗАМОНДОШИ ВА САҒДОШИ	19
6.	<b>Н.Р.Махкамова</b>	МАТЕРИАЛЫ ГОСУДАРСТВЕННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ФАЙЗУЛЛЫ ХОДЖАЕВА - ВАЖНЫЙ ИСТОЧНИК ПО ИСТОРИИ УЗБЕКИСТАНА	25
7.	<b>К.Ж.Рахмонов</b>	ФАЙЗУЛЛА ХЎЖАЕВ ПУБЛИЦИСТИКАСИДА ЕВРОПА ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТИГА ОИД АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР	29
8.	<b>М.М.Алланазаров</b>	БХСРДАГИ МИЛЛИЙ РАҲБАР АРБОБЛАР ФАОЛИЯТИДА ФАЙЗУЛЛА ХЎЖАЕВНИНГ ТУТГАН ЎРНИ	33
9.	<b>Б.Т.Мирзакулов</b>	ФАЙЗУЛЛА ХЎЖАЕВ - БУХОРО ФАРЗАНДИ ВА ДАВЛАТ АРБОБИ	37
10.	<b>С.С.Раупов</b>	ФАЙЗУЛЛО ХЎЖАЕВ ВА БУХОРО ШАҲРИНИ ИЧИМЛИК СУВИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ МУАММОСИ	40
11.	<b>Д.Ў.Янгибоева</b>	БУХОРО МАЪРИФАТПАРВАРИ МУҲАММАД ШАРИФЖОН МАҲДУМ САДРИ ЗИЁ АСАРЛАРИДА 1917 ЙИЛ ВОҚЕАЛАРИНИНГ ЁРИТИЛИШИ	44